

**Сарсенбаева Р.М.,**

Тошкент молия институти «Касбий таълим»  
кафедрасининг катта ўқитувчиси, педагогика  
фанлари номзоди

# ДАРСЛАРДА КЎРГАЗМАЛИ ВА ТАРҔАТМАЛИ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## **САРСЕНБАЕВА Р.М. ДАРСЛАРДА КЎРГАЗМАЛИ ВА ТАРҔАТМАЛИ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Мазкур мақолада дарсларда кўргазмали ва тарқатмали материаллардан фойдаланиш технологияси хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, моддий, номоддий, техник кўргазмали материаллар, таълим воситалари кўргазмали материал сифатида, ахборот берувчи, топшириқ олувчи ва назорат қилувчи тарқатмали материаллар, уларнинг афзаллик ва камчиликлари ҳамда улардан дарсларда фойдаланиш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: кўргазмалик, тарқатмалик, маъруза дарси, семинар ёки амалий машғулот, таълим воситаси, техника воситаси, ўқитувчи, таълим олувчи ва слайдлар.

## **САРСЕНБАЕВА Р.М. ТЕХНОЛОГИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НА УРОКАХ НАГЛЯДНЫХ ПОСОБИЙ И РАЗДАТОЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ**

В этой статье исследованы преимущества и недостатки, а также даны технологии использования на занятиях материальных и нематериальных, технических наглядных средств и раздаточных пособий, как средств визуального материала и контроля распространения информации и инструкций.

Ключевые слова и понятия: выставочные, раздаточные, лекции, семинары и практические занятия, технические средства, средства обучения, преподаватели, учащиеся обучения и слайды.

## **SARSENBAEVA R.M. TECHNOLOGY OF IMPLEMENTATION OF VISUAL AIDS AND HANDOUTS ON THE LESSONS**

The article explores the advantages and disadvantages, as well provided technologies tangible and untangeble, technical, visual aids and handouts, as a means of visual material and controls the dissemination of information and instructions.

Keywords: exhibition, handouts, lectures, seminars and practical, means of education, and technical, teacher, participants and slides.

**Маълумки, дарсларни ташкил этишда кўргазмали ва тарқатмали материаллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Дидақтиканинг асосий тамоийларидан бири дарсларнинг кўргазмали ва тарқатмалилигини таъминлашдан иборатdir.**

Айниқса, педагогика, психология фанларини ўқитишида кўргазмали ва тарқатмали материаллардан фойдаланиш таълим олувчиларнинг педагогик ёки психологик муаммоларга оид билим, кўникма ва малакаларини оширишда ҳамда уларга оид муаммоларнинг ечимини топишда катта ёрдам беради.

Дарсларда кўргазмали ва тарқатмали материалылардан фойдаланишдан асосий мақсад таълим олувчиларнинг мавзуни ўрганишларида уларнинг диққатини тўплаш, дарсга бўлган қизиқишиларини ошириш, ўзларига бўлган ишончни уйғотиш ҳамда кўргазмалилик ва тарқатмалилик асосида уларнинг билим, кўникма ва малакаларини оширишдан иборат. Шу ўринда, муҳтарам Президентимизнинг «Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ»<sup>1</sup>, деган фикрлари сўзимизнинг исботи бўлади.

Қуйида кўргазмали материалылар хусусида айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган. Кўргазмали материалылар ёрдамида бир вақтнинг ўзида муҳокама қилинаётган савол, ахборотни ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали қабул қилиш, шубҳасиз, таълим олувчиларнинг пухта билим олишларига ёрдам беради.

Бизга маълумки, кўргазмали материалыларнинг хилма-хил шакллари мавжуд. Тараққиётнинг ўзи бир томондан фанни чуқур ўзлаштиришни зарур қилиб қўйса, иккичи томондан турли-туман янги методлар, кўргазмалиликни ошириш, техника воситаларидан самарали фойдаланиш, уларни қўллашни такомиллаштириш орқали билим олишни осонлаштириш, қизиқарли жараёнга айлантиришга ёрдам беради. Кўргазмалилик, одатда, хаёлан кўз ўнгига келтириш билан ёки намойиш қилиш билан таъминланади.

Кўргазмали материалылар: номоддий, техник ва моддий турларга бўлинади (1-расм).

**Номоддий кўргазмали материалылар** дейилганда, дарс жараёнида сўз билан ўқитувчи томонидан маълумотларни ёдга тушириш, таълим олувчиларнинг хаёлида гавдалантириш мумкин бўлган ички, хаёлий тушунчалар, яъни адабиёт, санъат асарлари, бадиий фильм, бадиий асар қаҳрамонлари, ҳаётда юз берадиган турли воқеа, ҳодиса ва турли вазиятларни тасаввур қилиш орқали ҳосил қилиш тушунилади.

Дарсни бошлаганда ўқитувчи ўтилган мавзуни таълим олувчиларнинг ёдига туширади. Ўқитувчи янги мавзуни бошлар экан, таълим олувчилар диққатини унга жалб қилиш, фикрини йўналтириш учун адабиёт, санъат асарлари ёки ҳаётда юз берган воқеани гапириб бериши мумкин. Бу янги мавзуни ўрганишга таълим олувчилар руҳи ва кайфиятини тайёрлайди. Масалан, «Педагогика» фанидан «Таълим назарияси» мавзусини бошлашдан аввал аудиторияга қуйидагича мурожаат қилиш мумкин: «Таълим назарияси», «таълим жараёни» ёки «таълим тизими» дейилганда нимани тушуниш мумкин? Ушбу саволларга таълим олувчилар ўзлари олдиндан билган, ўқиган, эшитган маълумотларга таяниб, кўз олдиларида келтириб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.

**Техник кўргазмали материалылар** дейилганда, таълим воситаларини тушуниш мумкин. Чунки педагогикада таълим воситалари кўргазмали материал сифатида қаралади. Бугунги кунда, узлуксиз таълим тизимини техника воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таълим воситалари деб, ўқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган ҳар қандай билимларни етказувчи ва ахборот ташувчи воситаларга айтилади. Таълим воситалари уч турга бўлиниб ўрганилади: босма, техник ва аниқ ўқув воситалари (2-расм).

Босма ёки чоп этилган ўқув материалыларига чоп этилган барча ўқув ва кўргазмали ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2015, 2

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. –61-б.

1-расм. Кўргазмали материаллар турлари



2-расм. Таълим воситаларининг турлари



материаллар киради. Босма материаллар ўз навбатида икки турга бўлиниб ўрганилади, булар: *матнли* ва *тасвирли босма материаллар*. Масалан, ўқув ёки ишчи дастурлар, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, тарқатмали материаллар, ишчи варақалари, назорат (тест) ёки топшириқ варақалари, ўқув-услубий мажмуалар, маъруза матнлари ва бошқалар матнли воситаларга мисол бўлади. Улар маълумотлар олиш ва маълумотларни қайта ишлаш учун хизмат қиласди. Тасвирли кўргазмали материалларга слайдлар, диаграммалар, жадваллар, фотосуратлар, чизма-схемалар, плакат кабилар мисол

бўлади. Улардан умумий тасаввурни вужудга келтириш учун фойдаланилади.

Техника воситаларини икки турга бўлиш мумкин: *аудиовизуал, аудиовиртуал* ёки *ёрдамчи-жихозли*.

Аудиовизуал воситаларга компьютер, проектор, кодоскоп, киноаппарат, компакт дисклар, ўқув телевидениеси, видеомагнитофон, видеофильм, аудиокассеталар, PowerPoint материаллари, электрон дарсликлар, мультимедия воситалари кабиларни мисол қилиш мумкин.

Аудиовиртуал воситаларга интернет, ма соғавий таълим кабилар мисол бўлади. Ушбу

**3-расм. Таълим воситаларини танлаш бўйича кўрсатмалар**



воситалар жараёнлар ва ишлаш механизмила-  
ри тўғрисида тасвир ва овоз орқали тасаввур-  
ни вужудга келтириш учун хизмат қиласди.

*Ёрдамчи-жиҳозли воситаларга доскалар* (оддий бўр доска, оқ (флипчарт) доска, магнит доскаси, «Пинборд» доскаси), партя, стул, стол кабилар киради. Ушбу воситалар тасвир ва матнни ёзиш ҳамда сақлаш учун хизмат қиласди.

Аниқ воситалар икки турга бўлиб ўрганилайди: ҳақиқий ва моделли. Ҳақиқий таълим воситалари ўрганилаётган обьектлар ҳақида ҳақиқий тасаввурни вужудга келтиришга хизмат қиласди. Масалан, таълим (ўқув) муассасалари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бинолар, машина, трактор, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар, хом ашёлар, асбоб-ускуналар ва шу кабиларни мисол сифатида келтириш мумкин. *Моделли воситаларга эса, моделлар, макетлар, тренажёр кабиларни мисол қилиш мумкин.* Ўрганилаётган обьектнинг модели орқали у ҳақидаги тасаввур ва маълумотлар ҳосил қилинади.

Таълим (техника) воситалари фойдаланилиши жиҳатидан уч қисмга ажратилади: «таълим берувчи учун», «таълим оловчи учун» ва «дарс ўтказиш учун». Дарс ўтказиш учун воситаларни ўқитувчи умумий бўлган ҳолатда

танлайди, яъни ушбу воситалар ҳам таълим оловчи учун, ҳам таълим берувчи учун са-  
марали бўлиши талаб этилади. Ушбу таълим воситаларини қандай, қаерда, қачон танлаш кераклиги ва улардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш ўқитувчининг билими, кўнигмаси ва маҳоратига боғлиқ бўлади. 3-расмда таълим воситаларини танлаш бўйича айрим кўрсатмалар берилган<sup>1</sup>.

*Таълим берувчи учун воситаларга ўқув-  
методик қўлланмалар, методик тавсиялар,  
методик ишланмалар, ўқув дастурлари, дарс  
режаси, маъруза матни, технологик харита,  
календарь режа кабилар киради.*

*Таълим оловчи учун воситаларга дарслик,  
ўқув қўлланма, жадваллар, йўл-йўриқли, тех-  
нологик хариталар, топшириқ варақалари ва  
ҳоказоларни мисол қилиш мумкин.*

*Дарс ўтказиш учун воситаларга плакат-  
лар, моделлар, макетлар, жиҳозлар, аудио-  
визуал, аудиовиртуал воситалар, техник, аниқ  
воситалар кабилар киради.*

Баъзи ҳолларда таълим оловчи учун мўл-  
жалланган таълим воситалари таълим берувчи

<sup>1</sup> Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокни ўқитиш методикаси. Ўқув-услубий қўлланма (Малака ошириш ва қайта тайёrlаш курслари учун). – Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007.

учун ҳам, дарс ўтказиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Таълаб олинган метод, шакл ва воситалар бир-бирини тўлдириши керак.

Маълумки, ўқитувчи дарс жараёнида ўтиладиган мавзу, унинг мақсади ҳақида гапириб, сўнгра дарс режасини беради. Дарс жараёнида кўргазмали, изоҳлаш мумкин бўлган кўргазмали қуроллар – жадвал, расм, плакат, чизма, диаграмма ва бошқалардан фойдаланиш таълим оловчиларнинг билимини пухталаширишда муҳим ҳисобланади. Дарсда оддий бўр билан ёзиладиган доскани ишлатиш кўп вақтни олганлиги боис, бошқа техник воситалардан фойдаланиш имкони йўқ аудиторияларда плакат, чизмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Биз биламизки, чизма ёки плакатлар анъанавий кўргазмали қуроллар бўлиб, одатда улар стандарт ватман сатҳига қора ёки бошқа рангларда зарур матн ёзилган ёки жадвал, чизма, диаграмма ва бошқалар чизилган кўринишда бўлади. Плакатлар нашр қилинган кўргазмали қурол ҳисобланаб, ўтиладиган мавзулар бўйича таълаб олинади.

Чизма ёки плакатларни тайёрлаш моддий жиҳатдан қиммат ҳамда кўп вақтни олади. Хато қилинса, ўзгартириш қийин. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда дарс жараёнида ватманга чизилган ёки плакат ҳолида нашр этилган кўргазмали қуроллар ўрнига янги, тайёрлаш ва фойдаланиш қулаг бўлган замонавий турлари, айниқса, слайдлардан фойдаланиш кенг ёйилди.

Слайдлар таълим берувчи учун энг юқори даражадаги тақдимот имкониятини беради. Замонавий ўқув жараёнини буларсиз тасаввур қилиш қийин. Асосий қулайлик шундаки, улардан исталган вақтда фойдаланиш, иш ўрни ўзгарганда ҳам осон кўчириш мумкин бўлади.

Кўргазмали қуролларнинг афзаллиги шундаки, уни дарс ўтишнинг барча шакллари, услубларида қўллаш мумкин. Айрим мавзуларни эса умуман намойиш қилинадиган материалларсиз, кўргазмали қуролларсиз ўтиб бўлмайди.

Маълумки, ҳар қандай фанни ўрганиш учун дарс жараёнида турли тарқатмали материаллардан фойдаланилади. Чунки дарс давомида тарқатмали материаллардан фойдаланиш дарснинг қизиқарли бўлишига ҳамда таълим

оловчилар диққатини жамлаш, ўтилаётган дарс мазмунининг тушунарли бўлиши ва пухта ўзлаширилишига олиб келади.

Мавзуни ўрганишда тарқатмали материаллардан фойдаланишнинг муҳим ижобий томони шундаки, у бевосита таълим оловчининг қўлида бўлади. Тарқатмали материаллар таълим оловчилар учун ўрганилган ва ўрганилаётган мавзуга оид ахборот ва топшириқ берувчи ҳамда назорат қилувчи маълумотларни ўз ичига олади. У таълим оловчилар қўлига мўлжалланган бўлиб, унинг ҳажми ва шакли унча катта бўлмаган ёзма ўқув материали ҳисобланади.


Тарқатмали материалларни мақсади ва мазмуни жиҳатидан уч тур (гуруҳ)га ажратиш мумкин: *ахборот берувчи, топшириқ оловчи ва назорат қилувчи* (4-расм).

4-расмдан кўриниб турибдики, *ахборот берувчи* тарқатмали материаллардан ўрганилаётган мавзунинг ахборот қўлами катта бўлганда фойдаланилади. Ушбу ахборот берувчи тарқатмали материалларни асосан маъруза дарсларида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки маъруза дарси жараёнининг қисқа вақт давомида барча ахборотни таълим оловчиларга тўлиқ етказиб бериш имконияти мавжуд эмас. Шу боис, ахборотни тарқатмали материаллар сифатида таълим оловчиларга етказиб бериш муҳим ҳисобланади. Бунда мавзу мазмуни қисқача (телеграф тарзида) ёзилган матнларда ифодаланиб, таълим оловчиларнинг дарсга тайёр гарлик кўришлари учун тақдим этилади.

*Топшириқ оловчи тарқатмали материаллар* асосан гуруҳни кичик гуруҳларга ажратиб ўқитилганда қўлланилади. Ушбу тарқатмали материаллар лаборатория, амалий ёки семинар машғулотлари жараёнида қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Унда олдиндан мавзуга оид тайёрлаб келинган топшириклар таълим оловчиларга тарқатилади. Ушбу топширикларга таълим оловчилар тайёргарлик кўриб, уларни тақдимот шаклида намойиш қиласилади.

Шунингдек, тарқатмали материаллар таълим оловчиларгатопширикларни ҳамкорликда ишлаш имкониятини ҳам беради. Айниқса, бунинг учун ишчи варақалари тайёрланиши ва улар асосида дарс жараёнида жуфт бўлиб ёки индивидуал тарзда ишлашни ташкил қилиш,

#### 4-расм. Тарқатмали материалларнинг турлари



шубҳасиз, таълим оловчиларнинг дарсга фаол қатнашишларини таъминлайди.

Биз биламизки, тарқатма материаллар таълим оловчиларнинг билимини текшириш ва назорат қилишда ҳам кенг қўлланилади. Бунда назорат варақалари тарзида тайёрланган тест саволлари, масалалар, турли топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

Маълумки, гуруҳни кичик гуруҳларга ажратиб ўқитиш якунида кичик гуруҳлар баҳоланади ва рағбатлантирилади. Шу жараён учун ўқитувчи олдиндан баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши талаб этилади. Ушбу баҳолаш мезонларига назорат қилувчи тарқатмали материал сифатида қараш мумкин. Ўқитувчи томонидан баҳолаш мезонлари кичик гуруҳларга эълон қилинади. Ушбу мезонлар қуйидагича бўлиши тавсия этилади:

- гуруҳларнинг фаоллиги;
- мазмуннинг тўла ёритилиши;
- савол-жавобларда фаол иштироки;
- регламентга амал қилиниши;
- дизайннинг аҳамияти.

Баҳолаш мезонлари барча кичик гуруҳ иштирокчилари учун бир хил қилиб эълон қилинади. Яъни энг юқори балл – 10 балл, бундаги 5 та баҳолаш мезонлари кўрсаткичларининг ҳар бири максимум 2 балдан баҳоланиши керак бўлади. Қайсиdir бир мезон бўйича гуруҳ унча фаол бўлмаса ёки умуман фаоллик кўрсатмаса, 1 ёки 0 балл деб баҳоланиши мумкин. Баҳолашдаadolat бўлиши учун қуйидагиларга аҳамият бериш керак:

- ҳар бир шартга қўйилган баҳолар изоҳланиши;
- баҳоларнинг объектив бўлиши;
- таълим оловчиларнинг хулқ-атворига эътибор қаратилиши, яъни шовқин-суроннинг бўлмаслиги;
- таълим оловчилар бирдай ўқув қуроллари билан таъминланиши кабилар.

Шу орқали ғолиб гуруҳ аниқланади ва рағбатлантирилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, назорат қилиш ва баҳолашadolatли ўtkazilsa, келгусида таълим оловчиларда яна шунга ўхшаш кичик гуруҳларда ишлаш методидан фойдаланишга иштиёқ пайдо бўлади.

Тарқатмали материаллар сифатида берилган топшириқлар таълим оловчиларнинг ҳамкорликда ишлашлари имконини беради. Айниқса, бунинг учун дарс олдидан ўқитувчи томонидан ишчи варақалари тайёрланishi ва улар асосида дарс жараёнида таълим оловчиларнинг индивидуал, жуфтликда ёки гуруҳий шаклда ишлашларини ташкил этиш лозим бўлади. Бу жараён, шубҳасиз, таълим оловчиларнинг дарсга фаол қатнашишлари ҳамда ўтилган материалларни сифатли ўзлаштиришларини таъминлайди.

Тарқатмали материаллар таълим оловчиларнинг билимини текшириш ва назорат қилишда ҳам кенг қўлланилади. Бунда назорат варақалари кўринишида тайёрланган тест саволлари, саволномалар, кроссвордлар, жадваллар, чизмалар, масала ва машқлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тарқатмали материаллардан кўргазмали қурол сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Тарқатмали материалларни тайёрлаш ҳамда уни ўрганилган ва ўрганилаётган мавзу жараёнида қўллашнинг бир қатор қонун-қоидалари мавжуд, хусусан:

- тарқатмали материалларни тайёрлашда мавзунинг асосий мазмунидан келиб чиқиб ёритиш;
- олинган ахборот дарс давомида ёки дарсдан ташқарида таълим оловчилар билан мустақил муҳокама қилинишига эришиш;
- таълим оловчилар дикқатини мустақил фикрлаш, ижодий изланишга чорлай олиш;
- таълим оловчиларни дарс давомида фаолликка йўналтириш;

- таълим олувчиларнинг олган билимларини назорат қилиш ва баҳолай олиш;
- таълим олувчилар қўлига ҳаддан ташқари кўп тарқатмали материалларнинг берилмаслиги;
  - сарлавҳаларни бош ҳарфлар билан ёзиш;
  - бир матн учун 2-3 та тарқатмали материалга ном-код бериш (ажратишни осонлаштириш учун);
  - матн шрифти 14 ўлчамдан кичик бўлмаслиги;
  - бир бетда 50 тадан кўп белги (ҳарф, қавс, ундов кабилар)лар ишлатилмаслиги;
  - матнлар тушунарли, қисқа, аниқ, равон ва оддий бўлиши;
  - варақа дизайнни таълим олувчи эътиборини ўзига жалб қила олиши ва хатосиз ёзилиши кабилар.

Буларнинг ҳаммаси дарс жараёнида тарқатмали материаллардан тўғри, аниқ, равон ва самарали фойдаланишнинг заруриятини келтириб чиқаради. Шунингдек, дарс жараёнида тарқатмали материаллардан фойдаланишда ўзига хос айрим камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

- тарқатмали материаллар тайёрлаш ўқитувчидан кўп куч, вақт, юксак маҳорат ва тинимсиз меҳнатни талаб қиласди;
- дарс давомида бир кишига камида битта тарқатмали материал бўлиши керак, бу қўшимча катта моддий харажатни талаб этади;
- тарқатмали материаллар асосида дарсларда ўзаро муҳокама чўзилиб кетиши мумкин. Бу мавзунинг бошқа қисмларига аҳамият берилиб, ўтилаётган мавзуга эътибор пасайишига олиб келади;
- тарқатмали материалларда берилаётган саволларга кўп вақт ажратилиб, янги мавзу эътибордан четда қолиб кетиши мумкин.

Юқоридаги камчиликларга қарамай, амалиётдан бизга маълумки, дарс давомида тарқатмали материаллардан фойдаланишнинг афзаллик жиҳатлари устун ҳисобланади.

Мавзуни ўрганишда тарқатмали материаллар таълим олувчиларга ёзма шаклда берилиб, оғзаки ёки ёзма жавоб олиш орқали амалга оширилади (ёзма ёки оғзаки жавоб олишни ўқитувчининг ўзи танлайди). Тарқатмали ма-

териалларга ёзма жавоб олиш асосан оралиқ назорати (чорак) якунида амалга оширилади. Ушбу жараёнда давомли ёзма ишлар (масала ва машқлар ечиш, 3-5 та саволномага жавоблар ёзиш кабилар) олинади.


Маълумки, тарқатмали материалларга оғзаки жавоб олиш индивидуал, жуфтликда, гурӯхий сўраш орқали амалга оширилади. Уларда ўқитувчи таълим олувчиларнинг маълум вақт давомида эгаллаган маълумотларининг қандай даражада эканлигини аниқлайди. Индивидуал, жуфтликда ёки гурӯхий сўрашда мавзуга оид саволномалар тайёрланади ва улар таълим олувчиларга тарқатилиб, маълум вақтдан сўнг натижалар оғзаки сўралади. Бундай сўрашда ўқитувчи вақтни тежаш мақсадида доскага бир вақтнинг ўзида 4 ёки 5 нафар ўқувчини чиқаради. Улар берилган саволномага кетма-кетликда жавоб беришади. Бундай сўрашнинг асосий афзалликларидан яна бири шундаки, жавоб берувчи ўқувчиларга ўтирган ўқувчилар халақит беришмайди ҳамда китоб ва дафтардан фойдаланишларига имконият яратилмайди.

Шунингдек, таълим олувчилар доскага чиқиб гапириши орқали уларда мустақил, ўзини эркин тутиш ва гапира олиш кўнижмаси ҳосил бўлади. Дарсда ўтирган таълим олувчилар доскага чиқиб, мавзуни гапираётган тенгдошларини хурмат билан эшитади ҳамда ўзи ҳам доскага чиқиб гапиришга тайёргарлик кўради.

Куйида кўргазмали ва тарқатмали материалларни тайёрлаш ва дарс жараёнида улардан самарали фойдаланиш жиҳатлари ҳақида айрим фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Маълумки, ўқитувчи ижтимоий-гуманитар фанларга оид маъруза дарсини ўтаётганида, асосан, матн мазмунини тарқатмали материал шаклида тарқатади ҳамда расм, чизма, плакатларда ифодаланган ахборотни намойиш қилиш орқали тушунтиради. Таълим олувчилар эса ҳам намойиш қилинаётган материалга, ҳам қўлларида тарқатма материалларга қарашади. Маълумотлар таълим олувчиларнинг қўлида бўлиши, уларни кўриб туриши мавзуни тушуниши ва англашини осонлаштиради.

### 5-расм. Таълим мазмунини ифодаловчи омиллар



Ўқитувчи бирор-бир мавзуу бўйича кўргазмали қурол тайёрлар экан, таълим оловчилар мавзунинг мазмунини тушуниб етишлари учун уни қандай тасвирилашни кўриб чиқади. Унда мавзунинг асосий мағзини чизма шаклда ифодалайди. Масалан, «Педагогикага оид «таълим мазмуни»ни белгилаб берувчи омиллар нималардан иборат?», деган саволга жавобни Power Point дастуридан фойдаланиб, слайдда чизма шаклида ифодалаб кўрсатиб беради (5-расм).

Мавзуни фақат оғзаки тушунтириб ўтгандан кўра чизмани слайд қилиб тайёрлаб, дарсларда фойдаланиш таълим оловчиларнинг мавзунинг моҳиятига тушуниши ҳамда узоқ вақт ёдларида сақлаб қолишига ёрдам беради. Шунингдек, диаграмма шаклидаги слайдлардан ҳам фойдаланиш юқори самара беради.

Бизга маълумки, ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида маъруза ўқиладиган вақт тахминан 20-25 дақиқадан ошмаслиги керак. Чунки ўрганишнинг дастлабки 20-25 дақиқаси энг самарали, 20-25 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди. Бу ҳамма таклифлар таълим оловчининг диққатини узоқроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қиласи.

6-расмдаги диаграммада 80 дақиқага мўлжалланган маъруза дарсидаги ўқув материалини муайян кетма-кетликда турли методлардан фойдаланиш, ўйғунлаштириш орқали ўқитиш жараёни келтирилган.

Диаграммага кўра, янги мавзунинг баёни 20-25 дақиқалик маърузадан бошланиши, сўнг эса 15-20 дақиқа маъруза қилинган ўқув материалини визуаллаштириш, яъни унга доир кўргазмали материаллар асосида тушунтириш, сўнгра 10-15 дақиқа давомида


унга доир бирор тажрибани намойиш қилиш ёки бирор мисолни таҳлил қилиш ва охирги 20-25 дақиқа давомида ўқув материалини мустаҳкамлашга қаратилган мустақил ёки гуруҳий амалий машқ ўтказиш тавсия этилади. Назарий ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, ҳар 20 дақиқа давомида турли таълим методларидан фойдаланиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълим методларидан бундай ўйғунликда ва кетма-кетликда фойдаланиш натижасида нафақат таълим оловчиларнинг диққатини жалб этиш даражасини ошириш, балки таълим самарадорлигини оширишга ҳам эришиш мумкин бўлади. Бугунги кунда, айниқса, Power Point дастури меҳнатни анча енгиллаштиради ва мавзуларни ниҳоятда турли-туман шаклда тасвирилаш имкониятини беради.

Дастурдан фойдаланилганда таълим оловчилар диққатини мавзуга қаратиш учун турлича дизайндан фойдаланиш мумкин. Слайдларда мавзунинг номи, режаси, ўрганиладиган асосий тушунчалар, уларни тушуниш учун зарур бўлган тасвиirlар, жадвал, график, диаграмма ва бошқаларни бериш мумкин. Бунда уларни рангли кўринишда беришнинг имконияти каттадир.

Слайдларни тайёрлашда шрифтлар, уларнинг катта-кичиликлиги, рангларнинг дидактические функцияси, уларнинг ишлатилиши, матн бериладиган фон, унда қандай тасвиirlардан фойдаланиш, уларни таълим оловчилар кайфиятига қандай таъсир қилиши, ишланиш усуллари, мантикий характеристика мослигига ҳам аҳамият бериш зарур.

Дарсни ўтишда кўргазмали материални қандай намойиш қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Намойиш қилиш жараёнини шундай таш-

6-расм. Таълим олувчи диққатининг вақтга нисбатан ўзгариб бориши<sup>1</sup>

кил қилиш керакки, унда қуйидаги дидактик талабларга риоя қилиш тавсия этилади:

- ҳамма таълим олувчилар намойиш қилинётган обьектни кўришлари, эшитишлари, тушунишлари;
- объектнинг муҳим, асосий томонларитаълим олувчиларда катта таассурот қолдириши, максимал даражада диққатларини жалб қилиши;
- ўрганилаётган объектнинг сифатини мустақил равишда ўлчаш, англаш ва ўзлаштириш имкониятини таъминлаш кабилар.

Кўргазмали ва тарқатмали материалларнинг асосий йўналишларидан бири намойиш қилиш методининг ўзига хос давоми бўлган иллюстрация ҳисобланади. Намойиш қилиш методидан ёки иллюстрациядан ҳам кўргазмали, ҳам тарқатмали материал сифатида фойдаланиш мумкин. Ундан фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Намойиш қилишда кўпроқ предметлардан фойдаланилади. Иллюстрация предмет, жараён, ҳодисаларни символлар ёрдамида ифода қилиш бўлиб, одатда, у плакатлар, карта, портрет, фотография, расм, чизма, график ва бошқаларни ўз ичига олади.

Иллюстрация материаллари олдиндан тайёрланади, лекин улардан зарур пайтларда фойдаланилади. Иллюстрациянинг самаралилиги кўп жиҳатдан уни қандай тарзда қўллашга боғлиқ.

<sup>1</sup> Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокини ўқитиш методикаси. / Ўқув-услубий қўлланма (Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари учун). – Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007.

Кўргазмали ва тарқатмали материаллардан фойдаланиш даражаси кенг, улардан қандай тарзда, қандай мақсадларда фойдаланиш ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи кўргазмали ва тарқатмали материалларни танлар экан, биринчидан, дарснинг маъруза ёки семинар машғулот шаклидалигини ҳисобга олади. Иккинчидан, мавзу орқали ўқитувчи таълим олувчилар олдига қандай вазифа қўймоқчи, мақсади нима, муҳокама қилинаётган муаммони ечишда кўргазмали қурол ёки тарқатмали материал қандай ёрдам бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни танлаши керак бўлади.

Масалан, маъруза дарсларида чизма, расм, жадваллардан бирор илмий тахмин (гипотеза), илгари сурилаётган фикрни тасдиқлаш мақсадида фойдаланилса, семинар ёки амалий машғулотларда муаммоли вазиятларни кичик групкаларда муҳокама қилиш ва ечиними топишда фойдаланиш мумкин. Бунда ҳам кўргазмали ва тарқатмали материаллардан фойдаланиш даражаси ўқитувчининг моҳирлиги, фантазияси ҳамда педагогик маҳоратига боғлиқ бўлади.

Холоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, кўргазмали ва тарқатмали материалларни маъруза дарси, семинар ва амалий машғулотлар жараёнида бошқа барча методлар билан бирга қўллаб, дарс самарадорлигини ошириш имконияти мавжуд. Ушбу имкониятдан қандай фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқдир.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
2. Сарсенбаева Р. Талабалар мустақил таълимими ташкил этиш методикаси. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ТМИ. –108-6.
3. Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокини ўқитиш методикаси. / Ўқув-услубий қўлланма (Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари учун). – Т.: ЎМКҲТКМО ва УҚТИ, 2007.
4. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Fan va texnologiya», 2007. –541-6.